



Бир боланинг  
ножўя қадами раис учун  
фавқулудда ҳолатдир

2-с.

Аҳоли кўп, муаммоси ҳам,  
алоҳида ёндашув бўлмаса,  
йўл-йўлакай ҳал қилиш қийин

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№9  
(2337)

2026 йил  
4 ФЕВРАЛЬ,  
ЧОРШАНБА

# Маҳалла

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

## 2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

ҲАМКОРЛИК



### “АЁЛЛАР ДАФТАРИ” — МЕҲР ВА МАДАДНИНГ ҲАЁТИЙ ИФОДАСИ

МАҲАЛЛА ВА КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ МАҲАЛЛАДАГИ  
ҲАР БИР ЭҚТИЁЖМАНД АЁЛ ТАҚДИРИНИ ЎЗГАРТИРАДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ўзаро ҳамкорлик бўйича Меморандум имзолади.

Тадбирда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қахрамон Куронбоев ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Кудратилла Рафиқов иштирок этиб, маҳалла институти ва касаба уюшмаларининг жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида сўз юритди. Шунингдек, ҳудудий бошқармалар раҳбарлари ва маҳалла раислари

сўнги йилларда соҳага қаратилаётган юксак эътибор, яратилган кенг шароит ва имкониятлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Мазкур ҳамкорлик меморандуми Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган

чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 17 октябрь куни касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан ўтказилган учрашувида берилган топшириқлари ижросини ҳаётга самарали татбиқ қилиш мақсадида ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжат белгиланган вазифаларни юқори савияда ташкил этишда стратегик аҳамият касб этади.

Давоми 2-саҳифада.

НУРОНИЙЛАР  
ДИЛИДАГИ ҒАП

“ҲАЛОЛ БИЛАН  
ҲАРОМНИ ЁШЛАРГА  
БУГУН БИЗ ЎРГАТМАСАК,  
ЭРТАГА КЕЧ БЎЛАДИ”

Президентимиз нуронийларга маҳаллаларда аҳиллик, ҳамжихатлик муҳитини асрашда, ёшларни тарбиялашда юксак ишонч билдириб, барча зарур шароит, имконият ва ваколатлар берган.



Норқул НУШАРОВ,  
“Нуроний” жағфармаси  
Жиззах вилояти бўлими раиси.


Бугун ҳар бир маҳаллада “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари, “Бувижонлар мактаби”, “Нуронийлар ва ота-оналар кенгашлари” фаолият олиб борапти. Оилалар тотувлигини таъминлаш, эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, муаммоли оилалар билан ишлаш борасида тизимли дастурлар йўлга қўйилган.

Ҳўш, бугунги нуронийлар ана шу эътибор ва ишончга муносиб бўлиб, имкониятдан тўлақонли фойдалана оляптими? Бир қарашда ҳаммаси яхши, бари рисоладагидек туюлади. Лекин...

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида давлат ва жамият хавфсизлигига тўғридан-тўғри таҳдид қилаётган уюшган жиноятчилик, нарқожиноятлар, кибержиноятлар ва яширин иқтисодиёт бўйича таъсирчан чораларни белгилаш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида юзага келган бўшлиқлар, камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Аҳолининг ҳаёт хавфсизлиги, мол-мулк дахлсизлигини таъминлашдаги оксоқликлар, боз устига, халқимизнинг чўнтагига кўз олайтириш ҳолатлари бўйича давлат раҳбари нихоятда қуюнчақлик билан гапирди.

Давоми 3-саҳифада.

ҚУВОНЧ ВА  
ШУКРОНАЛИК  
ҲАР КўНГИЛДА  
МУЖАССАМ



МАҚСАДЛАР  
БИРЛАШСА,  
ҲАРАКАТЛАР  
УЙҒУНЛАШСА,  
БАРЧАСИ ОСОН

### 100 НАФАР МАҲАЛЛА РАИСИ ҲАР ОЙ РАҒБАТ ОЛАДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қахрамон Куронбоев раислигида Уюшманинг марказий аппарат масъуллари ва ҳудудий бошқарма бошлиқлари иштирокида кенгайтирилган мулоқот бўлиб ўтди.

Унда Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги ўрганиш натижалари таҳлил қилиниб, тизимни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди.



Йиғилишда, айниқса, Самарқанд вилоятидаги 103 та “оғир” тоифадаги маҳаллада “еттилик” тизими амалга ошираётган ишлар, ишсизликни қисқартириш ҳамда инфратузилмани яхшилашга қаратилган манзилли дастурлар ижроси муҳокама қилинди.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Шу билан бирга, “Рақамли маҳалла” платформаси орқали ишлар шаффофлигини таъминлаш, намунали маҳаллалар “ТОП-100” рейтингини аниқлаш ва рағбатлантириб бориш масалаларига атрофлича тўхталинди. Унга қўра, эндиликда ҳар ой якуналари бўйича республика миқёсида энг самарали фаолият юритган 100 нафар маҳалла раиси қўшимча молиявий рағбатлантирилади. Шу билан бирга, фаолияти “қониқарсиз” деб топилган 100 нафар маҳалла раисининг иш фаолияти танқидий таҳлил қилинади, камчиликлар юзасидан аниқ хулоса ва тавсиялар берилди. Йиғилишда муборак Рамазон ойи арафасида эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш ва ҳудудларни ободонлаштириш бўйича аниқ вазифалар белгиланди. Масъулларнинг ҳисоботлари тингланиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан қатъий топшириқлар берилди.



Президент Шавкат Мирзиёев КЎМИР ВА УРАН САНОАТИДА амалга оширилайётган ишлар юзасидан тақдимот билан танишди.



Давлатимиз раҳбарига Навоий халқаро аэропорти фаолияти самарадорлигини ошириш буйича тақдимот қилинди.



ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИГА ҚЎРА, Жиззах вилоятида саноат ва қишлоқ хўжалиги бошқаруви такомиллаштирилади.

# “МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

УЮШМА КУНДАЛИГИ

## НАМАНГАН МАҲАЛЛАЛАРИ КАМБАГАЛЛИКДАН ХОЛИ БЎЛАДИ



Уюшма раиси Қаҳрамон Қуронбоев Наманган вилояти маҳаллаларида бўлди.

Давлатобод туманидаги “Порлоқ” маҳалласида 2 885 та хонадонда 7 600 нафар аҳоли истиқомат қилади. Йил бошида маҳаллада 41 нафар ишсиз фуқаро бор эди, бугунги кунга қадар 12 нафарининг бандлиги таъминланди. Ҳозирда маҳаллада 39 та камбағал оила мавжуд. “Маҳалла еттилиги” ва нурунийлар кўмағида йил якунига қадар ҳудудда бирорта камбағал оила қолмаслиги эришиш мақсад қилинган.



Қаҳрамон Қуронбоев маҳалла аҳолиси, нурунийлар билан мулоқот қилди. Жараёнда аҳоли фаровонлиги, бандлик ва иқтисодий ҳимоя масалалари эътибор марказида бўлди. Шунингдек, йиғиндаги 30 нафар нурунийнинг (15 нафар аёл ва 15 нафар эркак) Қибрай туманидаги “Навбахор” санаторийсида дам олишини ташкил этиш режалаштирилди.

Кейинги манзил — Норин туманидаги “Учтепа” маҳалласи. Маҳаллада 4 697 нафар аҳоли истиқомат қилади. Мазкур йиғиннинг иқтисодий-иқтисодий ҳолати ўрганилди. Бандлик масаласи алоҳида таҳлил қилинди. Йиғинда 94 нафар ишсиз фуқаро қайд этилган бўлиб, ҳозирга қадар 37 нафарининг бандлиги таъминланди, қолганлари буйича манзилли ишлар олиб борилмоқда.

Маҳалла инфратузилмасини яхшилаш юзасидан маҳалла биносига иситиш тизимини ўрнатиш, 15 кун ичида маҳалла балансидаги маблағлар ҳисобидан белгиланган ишларни якунлаш, табелни маҳалла платформаси орқали юритиш масалалари белгилаб олинди. Шунингдек, 2026 йил якунига қадар маҳаллани камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш вазифаси қўйилди.

Маҳалла вакиллари камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш мақсадида сўда ажратишда чорвачилик йўналишини қўйиш, шунингдек, маҳалладаги ёшлар бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун Маданий мерос агентлиги ҳисобида турган бўш бинода спорт мажмуаси очилди.

Давоми. Бошланғич 1-саҳифада.

## “Аёллар дафтари” — меҳр ва мададнинг ҳаётини янги босқичга олиб чиқариши

Маҳалла ва касаба уюшмалари ҳамкорлиги маҳалладаги ҳар бир эҳтиёжманд аёл тақдирини ўзгартиради

ҲАМКОРЛИК

Ҳамкорлик доирасида эҳтиёжманд ва иқтисодий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини манзилли аниқлаш, фуқаролар, айниқса, хотин-қизларнинг мавжуд муаммоларини чуқур ўрганиш ва бартараф этиш, уларнинг бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш борасида устувор вазифалар белгилаб олинди. Шу билан бирга, иқтисодий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш чораларини тизимли равишда амалга оширишга қаратилди.

Давлатимиз раҳбари касаба уюшмалари фаоллари билан учрашувда: “Биз маҳалла институтини тубдан ислоҳ қилиб, барча даражадаги раҳбарлар энг қўйи бўғинга тушиб ишлайдиган халқчил тизим яратдик... Энди касаба уюшмалари ҳам маҳаллалар билан яқиндан ишлайдиган самарали тизимни йўлга қўйса, ўйлайманки, тўғри бўлади,” деб таъкидлаган эди. Мазкур Меморандум Президентимиз топшириқлари ижросининг амалий ифодасига айланди.

Йиғилишда қайд этилганидек, Президентимиз ташаббуси билан хотин-қизлар муаммоларини ҳал қилиш буйича йўлга қўйилган ва дунёда муқобили бўлмаган ноёб тизим — “Аёллар дафтари” тизимининг 6 та босқичи орқали 2021 йилдан бугунги кунга қадар Республика буйича жами 4,5 миллион нафардан зиёд эҳтиёжманд хотин-қизларга амалий ёрдамлар берилди. “Маҳалла еттилиги” тизими жорий этилган, “Аёллар дафтари” доирасидаги ишлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.



Йиғилишда “Аёллар дафтари” тизимининг самарадорлигини юксалтириш ва маҳаллалар билан касаба уюшмалари ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди.



Меморандумга қўра, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳар 10 та маҳаллага бир нафар ходимни бириктиради. Улар маҳалла раиси бошчилигидаги “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда анкета-сўровнома асосида хотин-қизларнинг муаммоларини ҳар йили 1 мартга қадар хонадонма-хонадон юриб ўрганади. Анкета-сўровномалар тўлдирилгач, “еттилик” аъзолари хотин-қизларнинг иқтисодий ҳимояга муҳтожлик даражасини (тоифаси) аниқлаб, рўйхат шакллантиради (ёки асосланган ҳолда “Аёллар дафтари”га кириштирилади).

Ҳар бир хотин-қиз учун индивидуал дастур ишлаб чиқарилади ва уни масъул ташкилотлар билан қилишган ҳолда, “маҳалла еттилиги” тасдиқлайди. “Еттилик” вакиллари ҳамда маҳаллага бириктирилган касаба уюшмалари ходими “Аёллар дафтари”га киритилган иқтисодий ёрдамга муҳтож хотин-қизларга белгиланган ёрдамлар кўрсатилишини доимий назорат қилиб боради.

“Аёллар дафтари”га кириштирилган хотин-қизларнинг индивидуал дастурда қайд этилган масалалари тўлиқ ҳал этилганидан кейингина ҳар йили декабрь ойида “маҳалла еттилиги” туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими билан қилишган ҳолда, уларни “Аёллар дафтари”дан чиқаради.

Тадбир доирасида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев Касаба уюшмалари ҳаракати ривожига қўшган муносиб ҳиссаси, иқтисодий шерикчиликни мустаҳкамлаш ҳамда ходимлар ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, шунингдек, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги фидокорона хизматлари учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат ва иқтисодий муносабатлар академиясининг “Фахрий профессор” дипломи билан тақдирланди.

ИМКОНИАТ

## 157 ТА МАҲАЛЛАДА ШАҲАР МУҲИТИ АКС ЭТАДИ

“Қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш” лойиҳаси инфратузилмани яхшилаш (йўл, сув, электр), иқтисодий объектлар (мактаб, шифохона) қуриш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Лойиҳа камбағаллик даражаси юқори бўлган Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини қамраб олган бўлиб, мазкур ҳудудларда инфратузилмаси ривожланишдан ортда қолаётган 21 та тумандаги 157 та маҳаллага ёрдам кўрсатилади. Ҳисоб-китобларга қўра, мазкур маҳаллаларни ривожлантириш режалари ишлаб чиқилди. Камида 622 минг 631 нафар қишлоқ аҳолиси сифатли асосий инфратузилма ва хизматлардан яхшироқ фойдаланиш имкониятига эга бўлади.



Бундан ташқари, 3 600 нафар аҳоли қишлоқ хўжалигини юритишнинг замонавий усуллари, бизнес амалиёти, чорвачиликни жадаллаштириш ва жамоатчилик иштирокидаги бошқарув жараёнлари билан боғлиқ салоҳиятни ошириш буйича тренингларида иштирок этади. Маҳаллий аҳоли, шу жумладан, эҳтиёжманд гуруҳларнинг ҳудудий ва маҳаллий даражадаги қарорларни қабул қилишдаги иштироки кенгайтирилади.

Айни кунларда 157 та маҳаллада тренинглари бошланди. Уқувлар маҳалла раислари, ходим ёрдамчилари, ёшлар етакчилари, хотин-қизлар фаоллари, иқтисодий ходимлар, солиқ инспекторлари ҳамда ташаббускор гуруҳ аъзоларини қамраб олади. Иштирокчилар маҳаллада режалаштириш, жамоатчилик иштирокида назорат ва баҳолаш, маҳалла бюджетидан самарали фойдаланиш, кичик грантлар ва ариза топшириш тартиби, ташаббусларни амалга ошириш салоҳиятини кучайтириш буйича билмаларини оширади.

БАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ УСТУВОР

## БИР БОЛАНING НОЖЎЯ ҚАДАМИ РАИС УЧУН ФАВҚУЛОДДА ХОЛАТДИР

Бу — тарбия фалсафасининг энг теран ва ҳаётини янги босқичга олиб чиқариши

Ислохотларнинг энг биринчи ва энг аниқ самараси қаерда сезилади? Албатта, энг аввало, маҳаллада.

Дилноза ФАЙЗИЕВА, Қарши шаҳридаги “Роғузар” маҳалласи раиси.

Кандай ўзгаришлар бўлмасин, унинг самараси оддий одамлар ҳаётида акс этмас, ҳеч қандай натижа бермайди. Одамлар уни қабул қилмайди. Маҳалла эса ана шу ҳақиқат аниқ аён бўладиган мезон, десак, янглишмаймиз. Аҳоли розилиги, болаларнинг таълими, ёшлар бандлиги, тадбиркорнинг қўлай шароити, кексалар ризолиги — барчасига жавоб айнан шу ерда.

Худудимизда учта “драйвер” йўналиш бор — тикувчилик, қандолатчилик ва новвойлик. Бу соҳалар нафақат аҳоли бандлигини таъминлаётди, балки маҳалланинг иқтисодий ҳаётига ҳам катта ҳисса қўшаётди. Мисол учун, тикувчилик цехларида қўллаб аёллар иш билан таъминланган, улар ўз меҳнати орқали оиласига даромад келтирмоқда. Қандолатчилик ёшлар орасида жуда машур — улар янги рецептлар, миллий ва замонавий ширинликларни яратиб, аҳоли дастурхонига етказиб берапти. Новвойчилик эса энг қадимий ва энг зарур соҳа — ҳар куни маҳалламизда янги нон ҳиди таралади, бу эса ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан катта аҳамиятга эга.



“Маҳалла еттилиги” ёшларни касб-ҳунар курсларига жалб қилиш орқали уларни тикувчилик, қандолатчилик ва новвойликка ўргатиш ишларини йўлга қўйган.

Англаганингиздек, маҳалламизда ёшлар масаласига жиддий ёндашмиз. Зотан, раиснинг вазифаси фақат расмий раҳбарлик эмас, у, аввало, ёшларнинг дардига қўлоқ тутиши, уларга дўст, маслаҳатчи, йўл кўрсатувчи бўлиши зарур. Маҳаллада битта боланинг ҳам нотўғри йўлга кириши раис учун фавқулодда ҳолат сифатида қабул қилиниши керак. Чунки ёшлар тақдирини ҳар бир кемтиклик жамиятнинг эртасига таъсир қилади.

Давлатимиз раҳбари Ёшлар куни муносабати билан ўтказилган учрашувда айни жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиб, маҳалла раисининг жамият ҳаётидаги

ўрни ва ёшлар тақдирини масъулиятини кенг баён этган.

Чиндан ҳам, боланинг ёмони, бегонаси бўлмайди. Қайсидир ёш нотўғри йўлга кирса, бу унинг ёмонлигидан эмас, балки муҳит, шароит ва эътибор етишмаслигидан келиб чиқади. Демак, у болани ота-онаси вақтида тинчлаган, маҳалла-қўй, таълим муассасаси назоратини суябтирган. Шу боис раиснинг ҳар бир болага нисбатан меҳрибонлик ва масъулият руҳида ёндашиши — жиноятларнинг олдини оладиган, иқтисодий хавфсизликни таъминлайдиган энг тўғри йўлдир. Бу тарбия фалсафасининг энг теран ва ҳаётини янги босқичга олиб чиқариши.



Хукумат қарорига кўра, кўчмас мулкда ЯШАШ ЖОЙИ БЎЙИЧА РЎЙХАТДАН ЎТГАН шахслар тўғрисидаги маълумотни тахрирлаш тартиби белгиланди.



ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОРИ билан “Ижтимоий реестрни юришти тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.



Айрим элчихоналарда МАДАНИЯТ ВА ТУРИЗМ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА маслаҳатчи лавозими жорий этилади.

2026 йил  
4 ФЕВРАЛЬ,  
ЧОРШАНБА

**Ma'halla** №9

3

## ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!

# “ҲАЛОЛ БИЛАН ҲАРОМНИ ЁШЛАРГА БУГУН БИЗ ЎРГАТМАСАК, ЭРТАГА КЕЧ БЎЛАДИ”

НУРОНИЙЛАР ДИЛИДАГИ ГАП

Ийгилишни кузата туриб ўйга толдим, ташвишга тушдим. Негаки, Президентимиз келтириб ўтган маълумотлар гарчи пойтахт мисолида айtilган бўлса-да, кўтарилган масалалар бутун республикага бирдек тегишли. Шу боис унда билдирилган танқидий фикрлар, биз — жиззахлик фаоллар, нурунийларни янада яхшироқ ишлашга, келгуси фаолиятимизни тўғри белгилашга ундади. Энг муҳими, Президентимиз жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши қандай курашиш кераклигини аниқ ва илмий асослаб берди.

Бу йил “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”, деб номланди. Ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда асосий бўлган — маҳалла профилактикаси.

Агар ййгилиш тафсилотлари билан танишсак, аксарият жиноят турлари ёшлар иштирокида содир этилаётганига гувоҳ бўламиз. Бугун турли радикал ва экстремистик гоялар ахборот технологиялари орқали ёшлар онгини захарлашга ураётгани, фақат жазо ва тақиб билан муаммони ҳал қилиб бўлмаслиги таъкидланди. Аксинча, адашгани тўғри йўлга қайтариш, жаҳлатга қарши маърифат билан курашиш энг фойдали йўл экани кўрсатилди. Шунга асосан, “Қайтарув гуруҳлари” фаолияти доимий асосда ташкил қилингани нурунийлар зиммасига ҳам муҳим вазифалар юклади. Бу борада янада масъулият билан ишласак, ййигит-қизларимизнинг эҳтию дунёқарши тўғри шаклланиб, баркамол инсонлар бўлиб вояга етади.



Юқорида таъкидлаганимиздек, хавфсизлик масаласи гарчи пойтахт мисолида кўрсатиб ўтилган бўлса-да, ҳолат Жиззах вилоятида ҳам қониқарли, дея олмаймиз. Мисол учун, 2025 йилда кибержиноятлар сони 1 700 дан ошган. Кейинги вақтда банк карталаридан фойдаланган ҳолда ўғрилиқ ёки фирибгарлик жиноятларининг кўпайиши кузатилган. Демак, муаммо Жиззах вилояти учун ҳам бегона эмас.

Ййгилишда фақат муаммолар кўрсатилибгина қолмай, балки уларнинг ечимига ҳам тўхаталиб ўтилди. Биринчи гада бу салбий иллатларга қарши бутун жамоатчилик бирлашиб курашиши зарур. Шубҳасиз, унинг олдинги сафида, албатта, нурунийлар туриши керак. Ҳаром билан ҳалолни ёшларга бугун биз ўргатмасак, эртага кеч бўлиши шубҳасиз. Шундай экан, ҳаммамиз ягона куч бўлиб, Президентимиз атрофида жипслашиб ҳаракат қилсак, албатта, ижобий самарага эришамиз.

Шунингдек, маҳаллаларда оилавий зўравонлик, талончилик ва безорилик ҳолатларига йўл қўймаслик, гиёҳвандликка нисбатан тоқатсиз муҳитни шакллантиришга кўмаклашишимиз керак. Таъкидланганидек, ҳуқуқбузарликлар кўп учраётган такрорий хавф даражаси юқори бўлган, шартли равишда “қизил” тоифадаги маҳаллаларда профилактик ишлар самарадорлигини ошириш, манзилли ёндашувни кучайтириш, таълим муассасалари, маҳалла ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишимиз лозим. Маҳаллада содир бўлган ҳар бир кўнгилсиз воқеа катта ташвиш уйғотиши керак. Чунки

жиноятчиликка қарши курашишда майда масала йўқ, ҳар бир мурожаат, ҳар бир ҳолатга масъулият билан ёндашиш орқалигина жамоат хавфсизлигини таъминлашга эришамиз.

Тўй-ҳашамларни ихчам, камхарж қилиб ўтказиш, оилавий ажралишларнинг олдини олишда ҳам биздан янада фалокет талаб этилади. Маҳалла-қўйда бирор усмир ноҳўя қадам босса, тарбиясида салгина кўсур сезилса, дарров ёши улуг инсонлар яхши сўз билан насиҳат қилиб, уни тўғри йўлга солса, муаммонинг олди олинади.

Умуман олганда, хавфсиз муҳит, бу — фақат ички ишлар органлари масъулияти эмас, балки, маҳалла ва ҳар бир инсоннинг умумий ишмииздир. Зеро, ютуқларни ўзимизники, бизни биринчи гада ҳал этилмаган муаммолар, йўл қўйилган камчиликлар қизиқтириши керак. Чунки вақтида ечилмаган муаммо ўз ортидан янгиларни келтириб чиқаради. Бу эса эл-юрт фаровонлигини таъминлаш, халқимизни ҳаётдан рози қилишдек хайрли ҳамда савобли юмушларни тулақонли адо этишга тўсиқдир.

Шу сабабли ҳеч биримизнинг бепарво бўлишига ҳаққимиз йўқ.

### “ИШ БИЛАНГА БАЛЛИ”



Декабрь, январь ва февраль ойлари “тиним даври” ҳисобланади. Оддий тилда айтганда, бу даврда дарахлар “ухлайди”. Физиологик жараёнлар, модда алмашинуви деярли содир бўлмайди. Шу сабабли бу ойларда озуқа бериш тавсия этилмайди. Айниқса, азотли ўғитлар берилиши беҳуда сарф.

## ҚИШ ОЙЛАРИДА ДАРАХТЛАРГА ОЗУҚА БЕРИШ МУМКИНМИ?

Шодмон НАМОЗОВ,  
Қишлоқ ҳўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори.

Дарахтлар кеч кузда, “тиним даври”га киришдан олдин, танасидаги барча озуқа моддаларини илдиз қисмига жамлайди. Эрта баҳорда эса айнан шу жамланган озуқа захираси ҳисобига уйғонади.

Шунинг учун барг тўкилишидан тахминан 15 кун олдин дарахтларни яхшилаб сугориш, мавсум учун мўлжалланган охириги озуқани бериш жуда муҳим. Бу дарахтнинг совуққа чидамли бўлиши, эрта баҳорда соғлом уйғониши, яхши гуллаши ва ривожланишига ёрдам беради.

Агар дарахт кеч кузда етарлича тўйинтириб сугорилмаса, қишда сувсизланади, пўстлоқ ва танаси ёрилади, қуриш ва нобуд бўлиш хавфи ошади. Бундай дарахт эрта баҳорда қийин уйғонади, ривожланиши суст бўлади.

### МЕНДА САВОЛ БОР...

Ихтиёр МИРАБДУЛЛАЕВ,  
Нурота тумани:

— Айрим касб турлари билан шуғулланган инсонлар муддатидан олдин имтиёзли пенсияга чиқади. Мазкур рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилибди. Шу тартиб ҳақида маълумот бера оласизми?

## ХОДИМ ЎЗ ТАШКИЛОТИНИ ИМТИЁЗЛИ РЎЙХАТГА КИРИТИШИ МУМКИНМИ?

Лазиз ҚАРШИЕВ,  
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ходими:

— Дарҳақиқат, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан “Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланди. Унга кўра, бир қатор ўзгартириш ва янгиликлар киритилди.

Жумладан, агар ходимнинг иши зарарли ёки хавфли деб топилган ва рўйхатга киритилган бўлса, энди у 5–10 йил олдин пенсияга чиқади. Шунингдек, ташкилотлар ёки ходимларнинг ўзлари ҳам иш жойини имтиёзли рўйхатга киритишни сўраши мумкин. Бу жараёнда комиссия тузилиб, меҳнат шароити текширилади. Аттестация ва экспертиза ўтказилиб, тақлиф вазирликларга юборилади.

Қарор натижасида зарарли иш шароитида ишловчилар ҳуқуқи ҳимояланади, ташкилотлар хавфсиз меҳнатга рағбатлантирилади. Энг муҳими, тизим замонавий ва шаффоф бўлади.



Саҳифани “Ma'halla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

### ҲУНАРИ БОР ОДАМ — ҲУРМАТИ БОР ОДАМ

## “Камбағалликни қисқартириш бўйича аниқ ечимимиз бор”



Худудлар ривожиди уларнинг ихтисослашувини ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Маҳалламиз географик жиҳатдан Самарқанд шаҳри атрофида жойлашган. Туман худудидан халқаро аҳамиятга эга йўл ўтган. Хизмат кўрсатиш ва савдо-сотик билан шуғулланишга жуда қулай. Шундан келиб чиққан ҳолда асосий “драйвер” сифатида юқоридаги йўналишларни танлаб олганмиз. Бундан ташқари, паррандачилик, балиқчилик ҳамда чорвачиликни ривожлантириш учун яхши имконият мавжуд.

Хуршидбек ТУРСУНОВ,  
Жомбой туманидаги “Гулистон” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

ароит ва имконият борлиги яхши, лекин ундан фойдаланиш самарадорлиги муҳим. Жараёнда “еттилик” ташаббускор бўлса, албатта, натижа яхши бўлади. Бунини ўз тажрибам мисолида айтсам, “еттилик” кўмагида қиймати 220 миллион сўмлик, йиллик қуввати 100 минг дон эркаклар мавсумий қийимларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган “Мамаюсупов Машраб” оилавий корхонаси фаолияти йўлга қўйилди. Натижада 22 нафар ишсиз фуқаронинг доимий бандлиги таъминланди. Шунингдек, яқна тартибдаги тадбиркор Ситора Эргашева қиймати 200 миллион сўмлик миллий ши-

ринликлар ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириб, 4 та янги иш ўрни яратди.

Худуддаги аҳоли яшаш тарзи яхшиланиши, тадбиркорлик ривожланишида маҳалла инфратузилмаси катта аҳамиятга эга. Шу мақсадда 192 та хонадонга ичимлик сув тармоғи тортилди, 14 км. узунликдаги ички йўл шағаллаштирилди, 6,5 км. зовур тозаланди, 1 та трансформатор ва 20 та бетон таянч устуни ўрнатиш ишлари бажарилди.

Қувонарлиси, амалга оширилган ислохотлар натижасида аҳолининг дунёқарши аста-секин ўзгариб бормоқда. Кишиларда тадбиркорлик билан шуғулланиш, ўз даромадини оширишга интилиш ва ишонч пайдо бўлди. Бунини тадбиркорликнинг у ёки бу тури билан шуғулланиш истагида бўлган фуқаролардан тушаётган мурожаатлар сони кун сайин ортиб бораётганлигидан ҳам кўриш мумкин.



Камбағалликнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилганда, ҳар бир хонадонда турлича ҳолат аниқланди. Асосий оилалар — фуқароларда аниқ касб-ҳунар қўнимчаларининг йўқлиги ва бунинг оқибатида доимий иш жойига эга эмаслигидир. Ҳўш, ушбу муаммони бар-тароф эйтиш мумкинми? Албатта, мумкин. Бунинг учун аниқ ечимимиз бор. Яъни кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда илғор халқаро тажрибаларни қўллаш ҳамда янги иш ўринлари яратиш орқали муаммони босқичма-босқич ҳал этиб бораемиз.



Хукумат қарори асосида **БОЛАЛАР ҲАҒАҚАСИ ВА МОДДИЙ ЁРДАМНИ** тайинлаш ва тўлаш тартиби белгиланди.



Меҳнат мигрантлари оилаларига **САНАТОРИЙЛАРГА БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА** берилади.



Ўзбекистонликлар 2025 йилда **ҚУЁШ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ СОТИШДАН** 209 миллиард сўмдан зиёд даромад олди.

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

НУҚТАИ НАЗАР

АЁЛГА ЭЪТИБОР — ОИЛАГА, КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Оилаларни бузаётган ва тузатаётган омиллар нима?

Яқин қариндошимиз ўғил уйлантириш мақсадида уч йилдан кўпроқ вақт давомида келин қидирди. Бу орада йигитнинг ёши ўттизга яқинлашиб қолди. Тавсия этилган номзодлар турли сабаблар билан рад этилар, муносибини топиш эса тобора қийинлашарди.



Шаҳноза **РАҲИМҲУЖАЕВА**, “Mahalla” мухбири.

Шундай кунларнинг бирида кўшнлар яқиндагина талаба бўлган кизни қиймига келтириб мақтаб қолишди. Кўшнларга кўтарилган таърифу тавсиялар йигитнинг онасини қизиқтириб қўйди. Қандайдаяқ олдидан бердиларидан кейин дабдабали туй ҳам ўтди. Ниҳоят, оиланинг неча йиллик орзуси амалга ошди. Уларнинг назарида, энди ҳаммаси яхши бўлади.

Лекин ҳаёт йўллари биз ўйлагандек текис ва раван эмас. Аввалига ҳам ўқишига, ҳам уй юмушларига бирдек улгурётган янги келиннинг секин-аста кайфияти ўзгара бошлади. Бора-бора ҳар ишига жаҳл ва зарда аралашди. Бу ҳам етмаганидек, у тез-тез ота уйига аразлаб кетадиган одат чиқарди.

Шундай кейин масала ажрашишга бориб тақалди. Маҳалла ходимлари муаммонинг сабаби билан қизиққанида, эр-хотиннинг феъл-атвори турлича экани сабаб қилиб кўрсатилди. Уртада юзага келган совуқ муносабатлардан хабар топган қизнинг онаси боласининг кўчада қолмаганини айтиб, чакириб олибди.

Еш оилани сақлаб қолиш учун ҳамма бирдек ҳаракат қилди. Лекин, афсуски, бу кутилган натижани бермади. Орада келиннинг кўзи ёриб, ўғилчали бўлгани ҳам вазиятни ўзгартирмади. Ярашиш учун берилган муддат ҳам бе-самар кетди. Шу тарихи улар ажрашишди...

Сўнгги йилларда юртимизда оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, уларнинг бахтли турмуш кечириши учун қанча шароит яратиб берилмасин, кўрсаткичлар ҳеч пасайма-япти. Хусусан, ўтган йили фуқа-

ролик ишлари бўйича судлар ажрашиш билан боғлиқ 70 минг 535 та ишни кўрган бўлса, шундан 37 минг 544 таси қаноатлантирилган. Таҳлиллардан кўриш мумкин-ки, ушбу рақамлар 2024 йилга нисбатан 5 327 тага ошган. Демакки, ажрашаётганлар сони тобора ортиб борапти.

Тўғри, бу жуда оғриқли масала. Унга ечим топиш эса анча мураккаб тус оляпти. Сабаби, оилаларнинг бузилиши бир қанча омиллар билан боғлиқ. Айниқса, учинчи шахс аралашуви, феъл-атрофнинг ўзаро номутаносиблиги, хиёнат, фарзандсизлик каби ўнлаб баҳона ва вазжлар тинч-тотув турмушнинг томирига болта уряпти.



Фаолиятимиз давомида “маҳалла еттиллиги” вакиллари билан кўп суҳбатлашамиз. Улардан энг оғриқли муаммо ҳақида сўраганимизда, деярли ҳамма ажрашиш эканини таъкидлайди. Бунда қўлчилик ота-оналарни айбдор, деб билаётгани янада ачинарли. Кўриб, билиб туриб, ўғли ёки қизининг ҳаётини ботқоққа ботириб қўяётганларни тушуниш қийин.

Шу ўринда бобо-буваларимиз даврида нега ажрашлар кўп бўлмаган, деган ҳақли савол ҳаёлимиздан ўтади. Чунки одамларимиз сабр-қаноатли бўлишган. Оналар эшиқдан кириб келаётган кизини “қачон кетасан?”, деб тезроқ уйига жўнатишга шошилган. Ҳозир-чи, бунинг бутунлай аксини кўряпмиз. Баъзида қайноналар андишани бир чегга суриб, куёвлари билан тенгма-тенг айтишаётганига нима дейсиз?

Буларнинг ҳаммаси майда гапдек туюлиши мумкин, лекин асорати жуда оғир экани билан кишини чуқур мулоҳазага чорлайди. Халқимиз ўз олдига катта мақсадлар қўйиб, олға интилаётган пайлада бундай муаммолар билан овоза бўлиш бизга ярашмайди. Шундай экан, ҳар бир фуқаро ўз зиммасидаги масъулиятни ич-ичидан ҳис қилиб, жамият ривожини учун муносиб ҳисса қўшиши керак. Илк қадамни эса оилаларимиз мустаҳкамлигини таъминлашдан бошласак, нур устига аъло нур бўлар эди.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМҲУЖАЕВА тайёрлади.

Аҳоли кўп, муаммоси ҳам, алоҳида ёндашув бўлмаса, йўл-йўлакай ҳал қилиш қийин

Бировга маслаҳат беришдан осон иш йўқ, дейишади. Лекин унинг масъулияти ҳам борлигини эсдан чиқармаслик керак. Аслида, одамлар ўзи ишонган ва ҳаётий тажрибаси катта кишилардан йўл-йўрик сўрашади. Агар билдирилган фикр тўғри бўлса, муаммоларга ечим топиш ҳамда турмушдаги чигалликларни бартараф этиш ҳам анча осон кечади.

Гулчехра **ТУРСУНОВА**, Мирзо Улуғбек туманининг Авайхон номидаги маҳалла хотин-қизлар фаоли.



Режалари ўйлаганидан кўра яхшироқ натижа бера бошлагач, 50 миллион сўм кредит эвазига хоналарни янада кенгайтирди. Қулай шароит ва сифатли хизмат кўрсатиш йўлга қўйилгач, ташриф буюрувчилар сони ҳам анча кўпайди. Барножон даромади ортидан жуда кўп натижаларга эришди. Энг муҳими, ҳеч кимнинг ёрдамига муҳтож эмас. Ўзи ва оиласининг моддий манфаатларини бемалол қоплаяпти.

Ўрни келганда бир таклифни ўртага ташламоқчиман. Маҳалламизда аҳоли сони кўплиги учун муаммолар тобора ортиб борапти. Айниқса, оилавий келишмовчилик, таъйиқ ва ўзаровонлик ҳолатлари жуда кўп. Уларни йўл-йўлакай бартараф этиш қийин. Фақатгина алоҳида ёндашув ва тизимли тадбирлар орқали натижаларни яхшилаш мумкин. Бунинг учун эса маҳаллани иккига ажратиш зарур. Шундагина ишимизда унум, фаолиятимизда самарадорлик ошган бўларди.

Барножон Мавлонова — асли сартарош. Турмушга чиқиб, эгизак фарзанд кўргач, ишлашга имкон топа олмай қолди. Бир ёқда чақалоқлар, яна бир тарафда ногиронлиги бўлган қайнона-қайнота. Турмуш ўртоғи норасмий банд эди. Аёл идорамизга тушқун кайфиятда келиб, биздан ёрдам сўради. Унга уйдаги кичик хонада гўзаллик саломи ташкил этиши мумкинлигини айтганимизда, ичига сиғмас даражада қувониб кетди. Шундан сўнг ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан 10 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Аввалига ёлғиз иш бошлаган тадбиркор вақт ўтиб, уч нафар аёлнинг бандлигини таъминлади.

НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

Тўрт фасл тафтида шишган қулушнай

Табиат киши уйқусида, ер соқин сукутга чўмган бир палла Шўрчи туманининг “Қушон” маҳалласида ҳаёт жуда қизғин давом этапти. Бу ердаги оддий томорқада қулушнай совуққа бўйин ёр бермай, мўл ҳосил улашмоқда.



Нигина **ШОЕВА**, журналист.

Ушбу файзли манзара ортида замонавий ёндашув ва меҳнат-севар оила захмати мужассам. Тадбиркор аёл Иқлим Узоқова ўз томорқасида ташкил этган иссиқхонасида гидропоника усулида қулушнай етиштиряпти. Бу — тупроқсиз, сув ва минерал моддалар билан ўсимлик парваришлагга асосланган инновацион технология бўлиб, у юқори ҳосилдорлик ва экологик тозаликни таъминлайди.

— Гидропоника биз учун янги имкониятлар эшигини очди, — дейди Иқлим Узоқова. — Фарзандларим билан бирга ушбу технологияни ўзлаштириб, нафақат сифатли маҳсулот етиштиряпмиз, балки йил давомида барқарор даромад манбаига ҳам эга бўлдик. Қулушнай — меҳнат, илм ва интилиш мевасидир. Тўрт фасл бағрида пишаётган бу ҳосил эса замонавий ёндашув билан ҳар қандай мавсумни бароқали қилиш мумкинлигини яққол намоян этмоқда.



Дарҳақиқат, иссиқхонада парваришланаётган қулушнайлар ҳозирнинг ўзидаёқ пишиб, совдога чиқариляпти. Айни кунда бозорда қулушнайнинг бир килограмми 100-150 минг сўмдан харидор топаётгани меҳнат самарасининг нақадар бароқали эканидан далолат беради.

Энг муҳими, бу ташаббус нафақат бир оиланинг фаровонлигига, балки маҳаллада томорқадан унумли фойдаланиш маданиятининг юксалишига ҳам хизмат қилмоқда. Шўрчи туманида ердан оқилона фойдаланиш, ҳар қарч ерни даромад манбаига айлантириш йўлида амалга оширилаётган ишлар ана шундай илғор тажрибалар билан янада мазмун касб этмоқда.

Маҳалламизда ўз меҳнати ва ташаббуси билан оила тебратиб, моддий манфаатдорликка эришаётган хотин-қизлар сафи кенгаймоқда. Оддий хонадондан бошланган ҳаракат сабр ва ҳунар билан уйғунлашиб, барқарор даромад манбаига айланыпти.

КИЧИК ҲАРАКАТДАН КАТТА ДАРОМАД САРИ

Ўғул **ЭРГАШЕВА**, Шофиркон туманидаги “Талисафед” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Ишсизликда имконият излаб, қийинчиликдан чўчимаган Гуллола Исмоилова бугун пазандалиги билан маҳалладошлари ҳолатини чиқариб келатгани, дастурхон тўкилишига баҳоли нудрат ҳисса қўшаётганидан мамнун.



Гуллола Исмоилова дастлаб маблағ йўқлиги сабабли қийинчиликларга дуч келган. Шунга қарамай, у ўз кучига таяниб, яшаб турган хонадониде ҳамирли ярим тайёр маҳсулотлар қадоклашни йўлга қўйди. Аввалига кичик ҳажмда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар маҳалла дўконларига етказилиб, аста-секин даромад манбаи шаклланди.

Маҳалла масъуллари кўмағида Гуллола Исмоилова “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида ўтган йили 10 миллион сўм имтиёзли кредит маблағини олиб, ишини ривожлантирди. Бугунга келиб эса у ўз хонадониде 5 нафар хотин-қиз билан биргаликда чучвара, манти, лағмон, сомса ва бошқа ўнга яқин турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган.

Ҳозирги кунда Гуллола Исмоилова кунига ўртача 400 минг сўм даромад топиб, шундан ойига 10-12 миллион сўм миқдорда соф фойдага эришяпти. Бу самарадорлик эса уй шароитида бошланган кичик ташаббус қисқа вақт ичида самарали ишбилармонлик фаолиятига айланганининг амалий намунаси. Бу ҳам хонадонларда мавжуд имкониятдан унумли фойдаланиш, ишсиз хотин-қизларни банд қилиш борасида фойдали тажрибалардан бири демек.



2025 йилда 3 744 нафар ёш наркотиноят содир этган. Уларнинг 111 нафари ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСДИР.



Тошкентда йўл бўйидаги ПУЛЛИ ТУХТАШ ЖОЙЛАРИ УЧУН резидентлик рухсатномаларини бериш бошланди.



Ўзбекистонлик шахматчи НОДИРБЕК АБДУСАТТОРОВ дунёдаги энг нуфузли турнирлардан бири — "Tata Steel Chess" ғолибига айланди.

2026 йил 4 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

Mahalla №9

5

## “ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА ҚЎМАКЧИ

# Ҳар бир ёш қалбига берилган меҳр улкан марраларга замин бўлади

**Маҳалламизда 1 021 нафар ёшлар вакили истиқомат қилади. Ҳар бирининг ҳаётга интилишини кўриш мени доимо илҳомлантиради.**

**Шаҳбоз АМИРАЛИЕВ, Сўх туманидаги “Ленбу” маҳалласи ёшлар етакчиси.**

Ёшлар етакчиси сифатида фаолият юритиб тушундимки, ҳар бир ёшнинг қалбига меҳр билан қарасангиз, улар ўзларининг энг яхши жиҳатларини намойён этади. Ёшларни шунчаки эшитиш эмас, балки уларнинг фикрларини қадрлаш керак. Қизиқишларини ҳурмат қилсангиз, уларга тўғри йўл кўрсатсангиз, ёшлар ҳар қандай улкан марраларни эгаллашга қодир. Мана,

бир неча йилдирки, ёшлар билан ана шундай тизимли ва манзилли ишлашни йўлга қўйдик.

Ўтган йилги фаолиятимни сарҳисоб қилсам, “Ёшлар дафтари” орқали ижтимоий ҳимояга муҳтож 5 нафар ёшнинг муаммоси ҳал қилинди: икки нафари доимий иш билан таъминланди, яна икки нафарининг олий таълим муассасасидаги шартнома пули қоплаб берилди, бир нафари ҳайдовчилик курси харажатларини қоплаш хизматидан фойдаланди. Шу билан бирга, 53 нафар ёшга 1 гектардан ер ажратилиб, уларнинг бандлиги таъминланди.

Сўнгги йиллардаги фаолиятим давомида кўряпманки, ёшлар фақат уларни қўллаб-қувватлашни кутиб турмайди. Уларни ташаббус кўрсатиб, жамиятга фойда келтиришга интилади. Шу сабабли, касб-ҳунар ўқув курсларига жалб қилинган 56 нафар ёш нафақат ҳунар эгаллади, балки ўзини ижтимоий жиҳатдан мустаҳкамлаш имконига эга бўлди. Малакали қурувчиларни тайёрлаш марказларида улар ўз келажаги учун мустаҳкам пойдевор яратмоқда.



Бундан ташқари, “Ибрат фарзандлари”, “Мутолаа”, “Устоз АИ”, “UzChess” ва “Қизлар академияси” каби лойиҳалар ёшларнинг билим ва ижодий салоҳиятини оширишда муҳим восита бўлаётир. Спорт ва маданият соҳаларида эришилган ютуқлар, хусусан, “Ёшлар овози” танловидаги ғолиблик ва “Шижоат ва Ғайрат” мусобақасидаги фахрли ўринлар йигит-қизларимизнинг фидойилиги ва ташаббускорлигини намойён қилаётир.



Мен ҳар бир ёшга ўз тажрибамни улашишни ва уларнинг муваффақиятига шерик бўлишни истайман. Биламанки, улар ўз жасорати ва меҳнати билан нафақат ўз келажагини, балки бутун жамиятни янада порлоқ қилади.

ЖАРАЁН

## ҚУВОНЧ ВА ШУКРОНАЛИК ҲАР КЎНГИЛДА МУЖАССАМ

**Бугун маҳалла фақат яшаш ҳудуди эмас, балки аҳолининг дардини эшитадиган, муаммосига ечим топадиган, жамият барқарорлигига ҳисса қўшаётган ҳисса кўшаётган муҳим ижтимоий институтга айланди.**

Ана шу эзгу ишлар жараёнида “Маҳалла” хайрия жамоат фонди маҳалла тизими билан ҳамқадам бўлиб, аҳолини қўллаб-қувватлашда фаол иштирок этмоқда. Фонд ўз фаолиятини жойлардаги ҳақиқий эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда олиб бориб, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига амалий ёрдам кўрсатиб келяпти. Муаммоларни



ўз вақтида аниқлаш ва уларга ечим топиш тузилма фаолиятининг асосий мақсадларидан бирига айланган.

2025 йилда қатор маънавий-маърифий ва ижтимоий аҳамиятга эга тадбирлар амалга оширилди. Бу тадбирлар маҳаллаларда аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, ижтимоий

адолатни таъминлаш ва инсон қадрини улуғлашга қаратилди. Йил давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакиллари алоҳида эҳтибор марказида бўлди. Минглаб инсонларга моддий ёрдам кўрсатилиб, уларнинг аҳволи энгиллаштирилди, қўллаб оилаларга умид ва ишонч бағишланди.

Шу билан бирга, маҳаллалар орқали аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондиришга қаратилган амалий ишлар олиб борилди. Хусусан, 16 нафар фуқарога 77 миллион сўмлик ногиронлик аравачалари етказиб берилди, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган 58 нафар талабага 481,85 миллион сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Соғлигини тиклашга муҳтож 297 нафар шахсга 1 миллиард сўмлик моддий ёрдам ва маҳсулотлар тақдим этилди.

Бундан ташқари, маҳаллаларда эҳтиёжманд тоифадаги 2 257 нафар фуқарога 893 миллион сўмлик кийим-кечак маҳсулотлари, 949 нафарга 631 миллион сўмлик озиқ-овқат ва ҳўжалик моллари тўпламлари бегараз равишда тарқатилди.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.



“Маҳалла” хайрия жамоат фонди амалга ошираётган ушбу ишлар маҳалла институтининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини янада оширишга, аҳолининг давлат ва жамиятга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир. Энг муҳими, бу эзгу сазй-ҳаракатлар маҳаллада инсон қадрини улуғлаш, эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлаш ва жамиятда ижтимоий ҳамжиҳатликни таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

КИМДА ИҚТИДОР ЙЎҚИДИР?

## “Имкониятим ҳеч қачон орзуимни чекламаган...”

Навбаҳор туманидаги “Қоражон” маҳалласида яшовчи Феруза Шарипова ҳаёти билан кўпчиликка ибрат бўла оладиган ёш тадбиркор қизлардан. Имконияти чекланган бўлишига қарамай, у ҳеч қачон ўзини жамиятдан четда ҳис этмади. Аксинча, ўзидаги истеъдод ва хунарни бошқаларга улашиб, ҳудуддаги хотин-қизлар ҳаётига маъно олиб кираётган фидойи инсондир.

Шаҳноза БАҲРОМЖОНОВА.

Феруза бугун нафақат хунарманд, балки унлаб хотин-қизлар учун устоз, йўл кўрсатувчи мураббий сифатида танилиб, ҳудудда аёл хунармандлар сафининг кенгайишига муносиб ҳисса қўшиб келяпти. Унинг сазй-ҳаракатлари натижасида бугунги кунда 120 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланган.

Қаҳрамонимизнинг хунар оламидаги энг катта ютуқларидан бири — совунли гуллар тайёрлаш санъатидир. У ҳозирда 100 турдан ортқ совунли гул маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Бу гулларни тайёрлаш жараёни алоҳида эҳтибор ва дидни талаб этади: аввало, сифатли совун хомашеси эритилиб, унга табиий ранглар ва хушбўй ҳидлар қўшилади, сўнгра махсус қолиплар ёрдамида гул шакли берилади. Ҳар бир гул қўлда сайқал топади, сабр ва меҳр билан якунига етказилади. Ана шу меҳр сабабли унинг маҳсулотларига республиканинг турли ҳудудларида талаб юқори.



2023-2025 йиллар давомида Феруза Шарипова ногиронлиги бўлган шахслар ишлаб чиқарган маҳсулотлар кўргазмаларида 200 дан ортқ маҳсулот билан иштирок этди. Унинг меҳнати ва ташаббускорлиги эътибордан четда қолмади. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Навойи вилояти бошқармаси ҳамда Республика хотин-қизлар тадбиркорлигига қўмаклашиш марказининг ташаққурнома ва дипломлари билан тақдирланди.

— Менинг имкониятим чекланган бўлиши мумкин, лекин орзуларим чекланмаган, — дейди Феруза Шарипова. — Хунар менга куч берди, энди шу кучни бошқа аёлларга беришни хоҳлайман. Бир аёл оёққа турса, у билан бирга бутун бир оила мустаҳкам бўлади.

Ф.Шарипованинг ҳаёт йўли яна бир бор шуни исботлайдики, инсонни улуғлайдиган нарсани унинг жисмоний ҳолати эмас, балки қалбига ирода, меҳнатга бўлган муҳаббат ва бошқаларга фойда келтириш истагидир.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

## ЁШЛАР ЕТАКЧИЛИГИ УЧУН ЁШ ЧЕГАРАСИ БОРМИ?



Олим ИСКАНДАРОВ, Сирдарё вилояти:

— Мен 19 ёшдаман ва сиртки таълимда ўқийман. Маҳалла фаолиятида доимо илғор бўлишга интиламан ва ёшларга берилётган имкониятлардан хабардорман. Ёшлар етакчиси бўлиш ниятим бор. Бу лавозимга номзод бўлиш учун маълум ёш чегараси белгиланганми?

Бобуржон АКРОМОВ, Ёшлар ишлари агентлиги Сирдарё вилояти бошқармаси бошлиғи:

— Ёшлар етакчиси лавозимига номзод бўлиш учун Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилигида аниқ ёш чегараси белгиланган. Масалан, “Ёшлар ишлари агентлиги фаолияти тўғрисида”ги ва маҳаллий ҳокимликларнинг тегишли низомларида ёшлар етакчиси бўлиш учун номзоднинг оdatда 18-30 ёш oralлигида бўлиши кераклиги кўрсатилади. Бундан ташқари, номзод Ўзбекистон фуқароси бўлиши, ижтимоий фаолиятда иштирок этгани ва бошқа талабларни бажариши лозим. Шу сабабли, агар бошқа меъёрий талаблар бажарилган бўлса, 19 ёшда сиртки таълимда ўқиётган шахс ҳуқуқий жиҳатдан ёшлар етакчиси лавозимига номзод бўлишига ҳақи.



**Вазирлар Маҳкамаси қарори билан АЛЬЦГЕЙМЕР ТАШХИСИ ҚЎЙИЛГАН ШАХСЛАР учун кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати кўрсатилади.**



**Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларнинг ҳар чоракда бир маротаба яшаш шароитларини ишчи гуруҳ ҚАЙТА БАҲОЛАШ ТАЛАБИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**



**“ИНСОН” МАРКАЗЛАРИ ва оилавий поликлиникалар энди шахсларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил этиш жадвалини тузмайди.**

6

**Mahalla** №9

2026 йил  
4 ФЕВРАЛЬ,  
ЧОРШАНБА

## “МАҲАЛЛА — ИЖТИМОЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚ — ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

### ҚОРЛИ ТОҒЛАР БАҒРИДА ИНСОНПАРВАРЛИК МАНЗИЛИ

**Бўстонлик туманининг тоғли ҳудудида жойлашган “Сижжак” маҳалласида аҳолининг эҳтиёжманд қатламига манзилли ижтимоий хизматлар кўрсатилмоқда. Қиш фаслида йўллар қалин қор билан қопланиб, қатнов мураккаблашишига қарамай, ёрдамлар узлуксиз давом этмоқда.**

**Элбек ШОЙИМҚУЛОВ,**  
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Худудда яшовчи Хайрулло Пирметов оиласида уч нафар фарзанд бор. Уларнинг кенжаси Умиджон Иззатуллаев туғма ногиронлик билан дунёга келган. Соғлигининг заифлиги сабабли Умиджон мактабга бир йил кеч борган. Унинг таълим олишини таъминлаш мақсадида ижтимоий ходим ташаббуси билан болага психологик ёрдам кўрсатилиб, 125-мактабдан ўқитувчи жалб қилинди.



Шунингдек, боланинг онаси чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Умиджонга уй шароитида ҳаракатланиши учун таянч мослама, ташқарида юриши учун эса электрон арава тақдим этилди.

— Бизнинг вазифамиз фақат ҳужжат расмийлаштириш ёки ёрдам етказиш билангина чекланмайди, — дейди “Сижжак” маҳалласи ижтимоий ходими **Парвина Ашурметова**. — Энг муҳими, инсонни тинглаш, унинг дардини тушуниш ва ҳаётга бўлган ишончини мустаҳкамлашдир. Бъёзан биргина эътибор, бир оғиз илқ сўз ҳам катта таянч бўлиб хизмат қилади.

Маҳаллада истиқомат қилувчи Ҳилола Турғунбоева ҳам II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс сифатида рўйхатга олинган. Унга психологик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатилди. Уйда 80 ёшли ота-онаси истиқомат қилгани боис, уларга қараб туриш учун тегишли далолатнома расмийлаштирилди. Шунингдек, Ҳилола опа фаол ҳаётга жалб этилиб, адаптив спорт билан шуғулланиши йўлга қўйилди.

Ижтимоий лойиҳа доирасида унга тикувчилик қилиши ва шогирд тайёрлаши бўйича амалий ёрдам кўрсатилди. Ҳаракатланишини энгиллаштириш мақсадида тирсақли кўлтиқтаёқ берилди. Бугунги кунда аёл қизларга хунар ўргатапти, ҳолати эса ижтимоий ходим назоратида.

“Сижжак” маҳалласида яшовчи Жўрабой Абдуллаев I гуруҳ ногиронлиги бўлган, доимий парваришига муҳтож фуқаро ҳисобланади. Унинг соғлигини текшириш учун чуқурлаштирилган тиббий кўриқ ташкил этилди. Жўрабой ака адаптив спорт, хусусан, шашка билан шуғулланишга жалб қилинди. Келини парвариш қилиши бўйича далолатнома тузилди, сайр учун махсус арава билан таъминланди.

Таъкидлаш жоизки, тоғли ҳудудда жойлашган “Сижжак” маҳалласида ижтимоий хизматларни етказиш осон эмас. Шунга қарамай, Парвина Ашурметова қорли кунларда ҳам от миниб, чекка хонадонларга бориб, эҳтиёжманд фуқароларга зарур ижтимоий хизматларни етказмоқда.

### Мақсадлар бирлашса, ҳаракатлар уйғунлашса, барчаси осон

**Ҳаётимизнинг ҳар қадами синов ва имтиҳонлардан иборат. Уларни мардондор энгиб ўтиш, тўсиқларни бартараф этиш эса биздан катта сабр ва матонат талаб қилади. Бу жараён фақат бир кишининг уринишлари билан кутилгандек натижа бермаслиги мумкин. Лекин мақсадлар бирлашса, ҳаракатлар уйғунлашса барчаси осон.**

**Зухра НАЗАРОВА,**  
Фарғона шаҳридаги “Баҳор” маҳалласи ижтимоий ходими.

Икки йилдирки, шу ёндашув асосида маҳалла тизимида фаолият юритиб келяпман. Гарчи орадан қисқа фурсат ўтган бўлишига қарамай, халқнинг хоҳиш-истаклари ва ўй-хаёлларига ошно тутиндим. Улар билан ҳамнафас яшаш асосида муаммоларига ечим изляяпман. “Еттилик” вакиллари ҳамроҳлигида эҳтиёжманд фуқароларнинг мушқулини энгиллаштириш пайидадим.

Айни вақтда маҳалламизда 3 405 нафар фуқаро истиқомат қилаётган бўлиб, шундан 173 нафарига доимий равишда ижтимоий хизматлар кўрсатиб келинапти. Хусусан, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган Раиса Мирзаева, Фотима Дрофова, Рауф

Муҳаммаднинг “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида уйда тиббий-ижтимоий реабилитация ҳамда шахсий ёрдамчи хизматлари кўрсатиляпти.

Шунингдек, ногиронлиги бўлган фуқаролар, кам таъминланган оилалар, таълим ва ўқувчиликка учраган аёллар, ота-она қарамоғисиз қолган болалар ҳамда 80 ёшдан ошган 23 нафар кексалар доимий равишда ижтимоий ҳимоя ва ёрдам билан қамраб олинган.

Маҳалладошимиз Муҳаммадсодиқ Абдулҳаев 2015 йилда туғилган. У туғма ногиронлиги бўлгани боис эркин ҳаракатлана олмайди. Бу муаммони бартараф этиш мақсадида болага электрон арава тақдим этилди. Шундан сўнг у кўчаларни бемалол айланиш имконига эга бўлди. Тенгдошлари билан суҳбатлашиб, келажак учун олдида мақсадлар қўя бошлади.

Яна бир ногиронлиги бўлган бола Жаҳонгир Раҳмоновнинг ўқиши оддий синфдан инклюзив мактабга кўчирилди. Кичик бу ўзгариш унинг ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Қисқа вақт ичида ҳафсаласиз ва тушкун кайфиятдаги бола қувнок ва интилувчан ўқувчига айланди. Бу ҳолдан унинг оила аъзолари жуда хурсанд.

**Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМХУЖАЕВА тайёрлади.**



ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ



Таҳрибамга таяниб айтишим мумкинки, маҳалла тизимида фаолият юритадиган ходим, аввало, хушмуомала бўлиши керак. Қолаверса, дунёқараш кенг, илмга ошно бўлиш, турли чигал вазиятларга ечим топишда қўл келиши аниқ. Шу билан баробар, мен доим ўз устимда ишлашга ҳаракат қиляпман. Айниқса, юртимизда олиб борилаётган ислохотлардан хабардор бўлиш, янги қабул қилинган қонун ҳужжатларининг моҳиятини халққа тушунтириб бериш асосий мақсадимга айланган.



ИНТИЛГАНГА ИМКОНИЯТ ЧЕКСИЗ

### Ижод билан ҳаётга иштиёқи ортганлар

**Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташаббуси билан жорий этилган “Бизнес-махсус мактаб” ҳамкорлик модели асосида Қарши шаҳридаги 33-сонли алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактабда ўқувчиларни касб-хунарга ўргатиш ишлари самарали ташкил этилмоқда.**

**Дилшод ШОДИЕВ,**  
журналист.

Маъруза мактабда бугунги кунда бозор талабига мос бўлган махсуслотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Smola ART” лойиҳаси фаолият юритмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида смола ва гипсдан турли декоратив буюмлар ҳамда сувенирлар тайёрланиб, 15 на-

фар ўқувчи уста-декораторлик соҳасининг амалий сир-асрорларини ўрганмоқда.

Мутахассислар раҳбарлигида ўтказилаётган машғулотлар болаларда меҳнат кўникмаларини шакллантириш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш ва мустақил фаолият юритишга тайёрлашга хизмат қилапти. Энг муҳими, ушбу ташаббус ўқувчиларнинг келгусида меҳнат бозорига ўз ўринини топиши ва жамиятда фаол иштирок этиши учун мустаҳкам замин яратяпти.



**Айтиш жоизки, бундай лойиҳалар “Мактабдан касб ва тилни билиб чиққан бола — жамиятимизнинг катта ютуғи” деган ғоянинг амалий ифодасидир.**

МЕНДА САВОЛ БОР...

### Болалар нафақаси тайинлашда қандай ўзгаришлар бор?



**Фотима ҒОФУРОВА. Наманган вилояти:**  
— Болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш борасида ўзгаришлар бўлаётгани ҳақида эшитиб қолдим. Шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз.

**Ойбек УМАРОВ,**  
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Наманган вилояти бошқармаси шўъба мудири:

— 2025 йил 26 декабрдаги “Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини тақдим этиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармонига қўра, Ижтимоий реестрга киритилган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тўлашнинг қуйидаги тартиби жорий этилади:

- “давлат таъминотидаги оила” тоифасидаги оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам улар мазкур тоифада бўлган даврида оила аъзоларининг бандлик ҳолатидан қатъи назар ва қўшимча мурожаат талаб этмаган ҳолда кўрсатиб борилади. Оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати Ижтимоий реестрга киритилгач 12 ойдан сўнг қайта баҳоланади;
- “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам улар тайинланган вақтдан эътиборан

6 ой давомида оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоларининг расмий бандлигини таъминлаш шарти билан тайинланади. Меҳнатга лаёқатли оила аъзоларининг расмий бандлиги таъминланганда, бу ёрдам қўшимча мурожаат талаб қилмаган ҳолда узлуксиз тайинланади. Талаб бажарилмаганда болалар нафақаси ва моддий ёрдам тўлаш тўхтатилади;

• “камбағаллик чеғарасидаги оила” тоифасига киритилганларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам оилалар мазкур тоифага киритилган вақтдан эътиборан 6 ой давомида тўланади. Оила аъзоларининг ҳар бирига тўғри келадиган жами ўртача ойлик даромад минимал истеъмол харажатларининг 1 бараваридан 1,25 бараваригача бўлганда, уларга тўланадиган болалар нафақаси ва моддий ёрдамнинг миқдори ушбу нафақа ва моддий ёрдамнинг 75 фоизини ташкил этади. Оила аъзоларининг ҳар бирига тўғри келадиган жами ўртача ойлик даромад минимал истеъмол харажатларининг 1,25 бараваридан 1,5 бараваригача бўлганда эса тегишли нафақа ва моддий ёрдамнинг 50 фоизини ташкил этади.



**2025 йилда Ўзбекистонда истеъмолчиларга 1,6 миллиард рўйхатдан ўтган чеклар учун 1,5 ТРИЛЛИОН СЎМДАН ОРТИҚ КЕШБЭК ТўЛАБ БЕРИЛДИ.**



**Автомобилларга ёқилғи қўйиш шохобчалари 2026 йил 1 апрелдан кўрсатилган хизматлар учун ТўЛОВЛАРНИ ФАҚАТ НАҚДСИЗ ШАКЛДА ҚАБУЛ ҚИЛИШИ ЛОЗИМ.**



**Ангренда захира ҳажми 233 миллион тонна бўлган ЯНГИ КЎМИР КОНИ ишга туширилади.**

**2026 йил 4 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА**

**Mahalla №9**

**7**

## “ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

**СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ**

# Инсон касбини севса, масофа ҳам, об-ҳаво ҳам тўсиқ бўла олмайди

**...Бу йўллар оддий йўллар эмас. Қишда қор, ёзда чанг. Аммо шу масофаларни босиб ўтиш кимдир учун мажбурият бўлса, кимдир учун шарафдир. Мен учун, бу — касбимга бўлган садоқатнинг бир кўриниши.**

**Нуриддин АБДУЛЛАЕВ, Сарийосиё туманидаги “Гулбод”, “Нуробод”, “Хон жизза” ва Нодирабегим номидаги маҳаллалар солиқ инспектори.**

Бугунги кунда менга бириктирилган маҳаллаларда доимий равишда бўлиб, ҳар бир фуқа-

ро ва тадбиркор билан манзилли тарғибот ҳамда тушунтириш ишларини олиб боришга интиляпман. Фуқаролар билан юзма-юз суҳбатлашиб, уларга мол-мулк ва ер солиғини тўлаш муддатлари, шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун яратилган имкониятлар, тўлов иловалари орқали қандай ишлаш мумкинлиги ҳақида батафсил тушунчалар бераман.

Айниқса, тўртта маҳалладан бири — “Хон жизза” маҳалласи солиқ мажбуриятларини бажаришда алоҳида ўрин тутди. Ушбу маҳалла вилоят марказидан қарийб 220 километр узоқликда, тоғли ҳудудда жойлашган. Аҳолиси тарқоқ ҳолда яшайди. Бугунги кунда бу ерда 5 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Қаттиқ совуқ, қорли тоғ ён-бағирлари ва узоқ масофаларга қарамай, ҳудуд аҳолиси ниҳоятда очикқўнғил. Уларга бирор масалани тушунтирсангиз, дарҳол илғаб олишади.



Шу маҳаллада истиқомат қилувчи Абдужалил Расуловни алоҳида таъкидлаш жоиз. У киши ўзини ўзи банд қилган фуқаро бўлиб, чорвачилик фаолияти билан шуғулланади. Дастлаб у ер солиғи ва ижтимоий солиқни қандай ва қайси муддатларда тўлаш борасида аниқ тушунчага эга эмас эди. Юзма-юз суҳбат давомида унга “Soliq” мобил иловаси орқали тўловларни амалга ошириш тартибини кўрсатиб бердим, солиқ турларини содда мисоллар билан тушунтирдим. Натижада Абдужалил ака бугун солиқларни нафақат ўз вақтида, балки айрим ҳолларда муддатидан олдин тўлаб келмоқда. Энг муҳими, у бу борадаги тажрибасини кўшиларни билан ҳам бўлишяпти.

Ана шундай фуқароларни бошқаларга намуна қилиб кўрсатиш — бизнинг вазифамиз. Чунки инсон ўз касбини чин дилдан севса, на масофа, на об-ҳаво унга тўсиқ бўла олади. Албатта, бундай натижалар ўз-ўзидан келмайди. Бу ходимдан юксак масъулият, сабр-тоқат ва тинимсиз меҳнатни талаб қилади. Мен эса шу йўлдан оғишмай, халқимизга хизмат қилишни ўзим учун шараф, деб биламан.

**ТАРТИБ**

## Иш тартиби аниқ, тушунарли ва хавфсиз бўлади

**Сўнгги йилларда айрим тадбиркорлар ва кичик бизнес эгалари электрон ҳисобварақлар-фактураларни (ЭҲФ) расмийлаштиришда кўпинча хатоликларга йўл қўяди. Баъзилари бир хил товарни бир неча марта ҳужжатлаштириб, хато билан ёки билмасдан сохта маълумот киритади, бошқалар эса уларни тўлиқ тўлдирмайди.**



**Шаҳноза ХАЛИЛОВА.**

Натижада солиқ ташкилотлари учун назорат қилиш қийинлашади, давлат бюджети зарар кўради, ҳалол тадбиркорлар ноаниқ вазиятда қолади. Оддий қилиб айтганда, ҳар ким ўз ишини қилаётганини уйласса-да, баъзида хато ёки тушунмовчиликлар туфайли солиқ тизимида муаммолар пайдо бўлади. Шу муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ҳукуматнинг 2025

йил 26 декабрдаги тегишли қарори билан “Электрон ҳисобварақлар-фактураларнинг хавф даражасини аниқлаш ва уларда акс эттирилган операциялар бўйича қўшилган қиймат солиғини тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.

Эндиликда барча ЭҲФлар ахборот тизими орқали автоматик тарзда таҳлил қилина бошланади ва хавф даражасига қараб, икки тоифага ажратилди: паст хавф ва юқори хавф. Низомга кўра, солиқ тўловчилар расмийлаштирган барча факту-

ралар орасида юқори хавф даражасига эга бўлганлар улуши ҳисобот даврида жами ҳужжатларнинг 10 фоизидан ошмаслиги керак. Хавф даражасини белгилаш мезонларини Солиқ қўмитаси аниқлайди ва ҳар бир ЭҲФ мезон бўйича балл тизими орқали баҳоланади. Шу орқали тизим юқори хавфли фактураларни аниқлаб, улардан олинган қўшилган қиймат солиғи тўловини кузатади.

Бундан кейин солиқ тўловчилар учун жараён соддалаштирилади: ЭҲФлар марказлаштирилган электрон реестрда қайд этилади, юқори хавфлилари тўғридан-тўғри белгиланиши билан солиқ агенти, масалан, уларни расмийлаштирган хизмат ёки агрегатор солиқларни ушлаб қолади ва бюджетга ўтказиши. Шу йўл билан ҳалол тадбиркорлар учун иш тартиби аниқ, тушунарли ва хавфсиз бўлади, давлат эса солиқ тушумларини самарали назорат қилади.

Натижада тадбиркорлар ўз ишини қонун доирасида давом эттириши, хатоликлардан қайтарилиши ва ҳамма учун адолатли солиқ муҳити яратилади. Бу қарор айнан оддий тадбиркорлар ва давлат манфаатларини мувозанатда ушлашга қаратилган.

**МЕНДА САВОЛ БОР...**

## Такси ҳайдовчилари энди солиқ тўлайди...(ми?)

**Фарҳод НИЁЗОВ, Хоразм вилояти:**

— Мен бир неча йилдан бери киракчилик қилиб, рўзгоримни шу даромад билан юритаман. “2026 йил 1 январдан такси ҳайдовчилари солиқ тўлайди”, деган хабарни эшитдим. Мен ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида қанча солиқ тўлашим керак бўлади?

**Шухрат САИДОВ, Солиқ қўмитаси Хоразм вилояти солиқ бошқармаси бошлиғи:**

— Аввалги тартиб бўйича таксичилик фаолияти билан шуғулланувчи ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг 100 миллион сўмгача бўлган даромадлари солиқдан озод этилган эди. Президентимизнинг 2025 йил 12 августдаги тегишли қарорига асосан, ушбу имтиёз 2026 йил 1 январдан бекор қилинди. Эндиликда ўзини ўзи банд қилган шахслар, жумладан, таксичилар даромадининг 1 миллиард сўмгача бўлган қисмидан 1 фоиз айланма солиқ тўлайди.

Масалан, агар таксичилиқдан 1 миллион сўм даромад олинса, солиқ миқдори 10 минг сўм бўлади. Бу солиқни ҳайдовчининг ўзи эмас, балки солиқ агенти — такси агрегаторлари (масалан, иловалар орқали ишловчи хизматлар) тўлайди. Яъни сиз олган даромаддан 1 фоиз солиқни тўғридан-тўғри агрегатор ушлаб қолади ва сиз алоҳида солиқ тўлаш билан овора бўлмайсиз.

Хулоса қилиб айтганда, 2026 йилдан бошлаб, таксичилар учун солиқ мажбурияти пайдо бўлди, лекин у кичик миқдорда бўлиб, тўлаш жараёни соддалаштирилган ва тўғридан-тўғри амалга оширилади.

## «КАПИТАЛ PLUS МИКРОМОЛИЯ ТАШКИЛОТИ» МЧЖНИНГ БАЛАНС ҲИСОБОТИ 2025 ЙИЛ «31» ДЕКАБР ҚОЛАТИГА

КОД	КЎРСАТКИЧЛАР	минг сўмда
<b>АКТИВЛАР</b>		
10	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари	38 359
20	Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар	96 139
30	Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар	256 926
40	Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - факторинг, брутто	0
41	Минус: факторинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси	0
42	Факторинг, соф (40 код - 41 код)	0
50	Кредитлар (микрокредит, микроқарз, истеъмол), брутто	7 744 293
51	Минус: кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси	170 613
52	Кредитлар, соф (50 код - 51 код)	7 573 680
80	Асосий воситалар, соф	25 191
90	Номоддий активлар, соф	0
100	Бошқа хусусий мулклар	28 125
101	а. Минус: Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси	0
102	б. Бошқа хусусий мулклар, соф (100 код-101 код)	28 125
110	Бошқа активлар	62 850
120	<b>Жами активлар (10+20+30+42+52+62+72+80+90+102+110)</b>	<b>8 081 270</b>
<b>МАЖБУРИЯТЛАР ва КАПИТАЛ</b>		
210	Тўланиши лозим бўлган кредитлар ва қарзлар	3 596 491
240	Тўланиши лозим бўлган фоизлар	4 927
250	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар	18 100
260	Муддати узайтирилган даромадлар	3 688
270	Бошқа мажбуриятлар	59 958
280	<b>Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260+270)</b>	<b>3 683 164</b>
<b>КАПИТАЛ</b>		
310	Устав капитали	2 015 000
330	Захира капитали	325 631
331	а. Умумий захира фонди	325 631
332	б. Бошқа захира ва фондлар	0
340	Тақсимланмаган фойда	1 530 746
350	Жорий йил фойдаси (зарар)	526 729
360	<b>Жами капитал (310 + 320 + 330 + 340 + 350)</b>	<b>4 398 106</b>
370	<b>Жами мажбуриятлар ва капитал (280 + 360)</b>	<b>8 081 270</b>

Изоҳ: ушбу ҳисобот «DAXIN AUDIT EXPERTS GROUP» АЖ МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан 27.01.2026 йилдаги ижобий хулосаси билан тасдиқланган.



**ИНТЕРНЕТДА ҲАҚОРАТ ҚИЛГАНЛИК УЧУН 5 МИЛЛИОН СЎМГАЧА ЖАРИМА ЁКИ 10 СУТКАГАЧА ҚАМОҚ ЖАЗОСИ ТАЙИНЛАНИШИ МУМКИН.**



**“Тошкент — Чорвоқ” йўналишининг айрим йўл участкаларида автомобиллар тезлиги 80 КИЛОМЕТР/СОАТГАЧА ТУШИРИЛАДИ.**



**2025 йилда жиноят ишлари бўйича судлар томонидан қарийб 19 минг киши ОЗОДЛИҚДАН МАҲРУМ ҚИЛИНДИ.**

**“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”**

**ЖИНОЯТНИ ҚАНДАЙ ЖИЛОВЛАДИНГИЗ?**

**Бепарволик бадали ҳеч қачон енгил бўлмаган**

**Маҳалламиз ҳудудида тарғибот ишларини олиб бораётганимда, Вобкент тумани марказидан оқиб ўтувчи дарё қирғоғида кутилмаган ва даҳшатли воқеа содир бўлди. Оқим тез, сув муздек...**



**Амрулло РАСУЛОВ, Вобкент туманидаги “Кулолчи” маҳалласи профилактика инспектори.**

Бир сония... Бор-йўғи бир сония ичида ёш аёл ўзини дарёнинг совуқ бағрига отди. Атроф жимжит, сув аёлни ўз домига тортиб кета бошлади. Вазият ўта қалтис эди, уйлашга вақт йўқ, ҳар бир дақиқа, ҳар бир сония инсон ҳаётини ҳал қилиши мумкин. Иккиланмай, муздек сувга ўзимни ташладим. Ажал чангалида, оқим билан олишаётган аёлни қирғоққа олиб чиқдим...

Маълум бўлишича, асли Ғиждувон туманидан бўлган, ҳали 30 ёшни ҳам қаршиламаган бу аёл 4 нафар фарзанднинг онаси экан. Зудлик билан чақирилган тез тиббий ёрдам ходимлари кўмағида у туман шифохонасига етказилди. Шифокорларнинг саъй-ҳаракати билан ҳаёти сақлаб қолинди. Бу хизматларим юқори баҳоланиб, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг буйруғига асосан, фавқулодда вазиятда кўрсатган жасоратим, қатъият ва касбга садоқатим учун муддатидан олдин “майор” махсус унвони берилди.



**Ушбу сон саҳифаларидаги барча мақолалар матнини мусаҳҳах Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.**

Бу ишни бирор манфаат учун эмас, балки хизмат вазифам бўлгани учун бажарган эдим. Аслида ҳам, профилактика инспектори сифатида ҳудуддаги ҳар бир ҳолат эътиборимда. Чунки озгина бепарволикка йўл қўйсақ, бадали оғир бўлади.

Соҳада ишлаётганимга 6 йил, шу маҳалладаги фаолиятимга 2 йил тўлди. Дастлабки келган вақтимда маҳалла “қизил” тоифада эди. Жиноят ва ҳуқуқбузарликлар нисбатан кўп содир этилган. Икки йилдан бери “яшил” тоифадимиз. Ҳўш, бунга қандай эришдик? Жиноятни жиловлашда қайси омиллardan фойдаландик?

Аввало, ҳуқуқбузарлик содир этишига мойил шахслар билан яқиндан ишладик. Жиноятнинг олдини олишга эътибор қаратдик. Маҳаллада бу каби инсонлар 30-40 нафарни ташкил этади. “Еттилик” билан ҳамкорликда индивидуал ишляпмиз. Масалан, жиноят содир этишига мойил йигит билан суҳбатлашганимда, муаммонинг илдизи бекорчилик экани маълум бўлди. Маҳалла расиси ва ҳоким ёрдамчиси кўмағида унга имтиёзли кредит олишда кўмаклашдик. Ҳозир шу йигит хусусий тадбиркор.



**Фаолиятимизда айрим муаммолар кузатилади. Масалан, суд-тиббий экспертиза ва судларнинг шанба, яқшанба кунлари ишласлиги ҳисобига жума кунини содир этилган жиноятни очиш кечикиб кетарди.**

Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича намунавий амалиётни яратиш чоратadbирлари юзасидан видеоселектор йиғилишида Президентимиз бу масалага ечим бўладиган тақдир билдирди. Энди аҳолининг ҳуқуқларини таъминлаш ва кулай шароит яратиш мақсадида судлар, адвокатура, суд-тиббий экспертизанинг ҳам марказлашган тунги навбатчилигини ташкил этиш бўйича хорижий тажриба иштирокида уюштирилди. Агар шу тақдир амалга кирса, жиноятчиликка қарши кураш борасидаги имкониятимиз янада ошади.

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича намунавий амалиётни яратиш чоратadbирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш бўйича ҳали олдинда муаммолар кўплигини кўрсатиб берди.**

**Комрон РИХСИМОВ, Криминология тадқиқот институти етакчи илмий ходими.**

У мақсадда Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни яратиш бўйича “пойтахт намунаси” жорий этилди. Йиғилишда таъкидланганидек, жиноятчиликка қарши курашда замонавий ёндашув, илмий таҳлилга таяниш мумкин. Криминология тадқиқот институти илмий жамоаси Яққасарой туманида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, маҳаллаларда самарали профилактика тизимини йўлга қўйиш бўйича манзилли ишларни бошлаб юборди.

Ҳўш, шу кунгача туманда аҳвол қандай бўлган? Таҳлилларга кўра, 2025 йилда олди олиниши мумкин бўлган 365 та жиноят содир этилган. Шу билан бирга, айрим турдаги жиноятлар, хусусан, безорилик ҳолатлари 112 фоиз(2024 йилга



нисбатан 1,2 баравар)га ошган.

Урганишларда криминоген вазиятга салбий таъсир кўрсатаётган омиллardan бири — ижтимоий қийин аҳволга тушиб қолган аёллар билан профилактика ишларининг етарли даражада йўлга қўйилмагани экани аниқланди. Мисол учун, 22 та ҳолатда аёллар жиноят содир этган. Президентимиз қайд этганидек, жиноятчилар янги усул ва воситалардан фойдаланяпти, лекин ҳуқуқ-тартибот тизими янгиликларга мос ишламаяпти.

Жараёнда қатор тақдирлар ишлаб чиқилди. Жумладан, тарғибот тадбирларини қуруқ ҳисоботбозлик учун эмас, амалий натижани кўзлаб ўтказиш зарурлиги барча тизим ходимлари онига синдириляпти. Бунинг учун оддий ва содда шаклда тақдирот материаллари тайёрланиб, барча “маҳалла еттилиги” вакилларига тарқатилмоқда.

Оила-турмуш муносабатлари доирасида ҳамда аёллар ва ёшлар содир этаётган жиноятлар “илмий хулоса – тавсия – натижа” тамойили асосида жойларга чиққан ҳолда самарали хал этиляпти. Бундан ташка-

ри, тумандаги маҳаллаларда “Рақамли хавфсиз маҳалла” концепциясини амалга оширган ҳолда, маҳалланинг кириш-чиқиш ҳудудини назорат қилиш, электрон дастур орқали ҳудудда ҳаракатланаётган фуқаролар, қидирувдаги шахслар, транспорт воситаларини тезкор аниқлаш, жамоат жойларида юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий тартибузарликлар ҳақида хабар бериш тартиби жорий этиляпти.

Маҳалла, оила ва хотин-қизлар бўлимлари билан ҳамкорликда профилактика ишлари қучайтирилди. Бу ишга руҳшунослар, ижтимоий ходимлар ва профилактика инспекторлари жалб этилди. Ижтимоий қийин вазиятдаги аёлларни ўз вақтида аниқлаш, улар билан инди-

видуал суҳбатлар ўтказиш ва ҳуқуқий тарбия бериш тизими жорий қилинди.

Яна бир оғрикли масала — оилавий ажралишларнинг олдини олиш ҳисобланади. Бу борада ҳам самарали ечим бердик. Аввало, ҳокимнинг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари, профилактика инспекторлари ва маҳалла фаоллари иштирокида яраштириш чораларини қучайтиришга киришдик.

Шу билан бир қаторда бандлиги таъминланмаган фуқароларнинг электрон рўйхати шакллантирилиб, уларни ишга жойлаштиришга эришил-ляпти. Туман маҳаллаларида доимий равишда “Ижтимоий профилактика ҳафталиги”ни ўтказиш йўлга қўйилди.

**Хулоса шуки, маҳаллаларда хавфсиз муҳитни таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар илмий таҳлил, манзилли профилактика ва идораларо ҳамкорликка асосланган янги ёндашув асосида амалга ошириляпти. Бу эса жиноятчилик омиллари барвақт аниқлаш, аёллар ва ёшлар билан мақсадли ишлаш, рақамли технологиялардан фойдаланиш ҳамда аҳолини бандликка жалб этишга кўмаклашяпти.**

**МЕНДА САВОЛ БОР...**

**5 йиллик алимент миқдорини тўласам, тақик олиб ташланадими?**

**Ҳасанбой САМАНДАРОВ. Мингбулоқ тумани:**

— Суд қарорига асосан, мендан алимент ундириш белгиланган. Бир неча йилдан буён хорижда ишлаб, ойлик даромадани ўша ердан топаман. Давлат ижрочисининг қарорига кўра, мени Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан четга чиқиш ҳуқуқим вақтинча чеклаб қўйилган. Алимент тўловларини беш йиллик миқдорини олдиндан тўлаб, тақикни олиш учун судга ариза билан мурожаат қилсам бўладими?



**Анвар АЛАХОНОВ, Фуқаролик ишлари бўйича Бўстон туманлараро судининг судьяси:**

— Оила кодексининг 145-моддасига кўра, алимент тўлаши шарт бўлган шахс доимий яшаш учун еки 3 ойдан ортиқ муддатга хорижий давлатга кетаётганда қонунга мувофиқ ўзи таъминот бериши лозим

бўлганлар билан ушбу кодекснинг 130-, 134-моддаларига асосан, алимент тўлаш тўғрисида келишув тузиши шарт.

Агар бундай келишувга эришилмаса, манфаатдор шахс алимент миқдорининг пул билан тўланадиган қатъий суммда белгиланиши ва алиментни бир йўла тўлашни тўғрисида еки ўрнига муайян мол-мулк-

ни бериш, бошқа усулда тўлаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Фуқаролик процессуал кодексининг 454-моддасига мувофиқ, суд ҳужжати ижросининг қийинлаштирадиган ҳолатлар мавжуд бўлса, суд ундирувчининг, қарздорнинг еки давлат ижрочисининг аризасига биноан ижрони кечиктиришга еки уни бўлиб-булаб тўлашга йўл қўйиш, ижро усули ва тартибини ўзгартиришга ҳақли.



**Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАХМОНОВ тайёрлади.**



**Mahalla**

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

**Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ**

**Дизайнер: Лазиз Мейликов Шерзод Маманов**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

**Тахририят манзили:** 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.  
**Телефонлар:** 71 233-39-89, 71 233-10-92.  
**Нашр кўрсаткичи:** 148.

«Шарк» НМАК босмахонасида чоп этилди. **Босмахона манзили:** Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 8 850 нусхада чоп этилди. Буюртма №: F-220

